

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЭКОЛОГИЯДАН ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Бахридинов Нуриддин Садриддинович**

Наманган муҳандислик-курилиш институти доценти, т.ф.н

**Мамадалиев Шухрат Машраббоевич**

Наманган муҳандислик-курилиш институти катта ўқитувчisi

**Джураева Дилдора Умаржоновна**

Наманган муҳандислик-курилиш институти стажёр-ўқитувчisi

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.7329966>**

**Аннотация.** Уибу мақолада экология фанини ўқитиши технологияси кўрсатилган бўлиб, бунда асосан янги педагогик технологиянинг бир неча усуслари асосида атроф-муҳит муҳофазаси йўналиши бўйича дарс ўтиши орқали талабалар билимини оширишининг қулай томонлари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** атроф-муҳит, сув, ҳаво, тупроқ, атроф-муҳит ифлосланиши, зарарли ва заҳарли омиллар, чиқиндилар, ўқитиши, усул, педагогака, педагогик технология.

## ОРГАНИЗАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВУЗАХ

**Аннотация.** В данной статье показана технология преподавания экологии, в которой в основном показаны благоприятные стороны совершенствования знаний учащихся путем проведения занятий в области охраны окружающей среды на основе нескольких методов новой педагогической технологии.

**Ключевые слова:** окружающая среда, вода, воздух, почва, загрязнение окружающей среды, вредные и ядовитые факторы, отходы, обучение, метод, педагогика, педагогическая технология.

## ORGANIZATION OF ENVIRONMENTAL EDUCATION IN UNIVERSITIES

**Abstract.** This article shows the technology of teaching ecology, which mainly shows the favorable aspects of improving students' knowledge by conducting classes in the field of environmental protection based on several methods of new pedagogical technology.

**Keywords:** environment, water, air, soil, environmental pollution, harmful and toxic factors, waste, training, method, pedagogy, pedagogical technology.

## КИРИШ

Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши билан унинг эҳтиёжи ҳам юқори даражага қараб ортиб боради. Бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнларининг ортишига, қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнларида юзага келадиган чиқиндиларнинг ортиши ҳисобига атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳам сезиларли даражада ортиб боради.

Техника ва технологияларнинг интенсив ривожланиши атроф-муҳиттага чиқиндилар ташланиши даражаси ошишига сабаб бўлади. Бу атмосфера ҳавоси, сув ва тупроқнинг ифлосланиши демакдир. Агар инсон онгида экологик билим яхши ривожланган бўлса, ўйда ёки ишлаб чиқаришдаги ўз фаолияти давомида атроф-муҳитнинг ифлосланишидан юзага келадиган иқтисодий ва ижтимоий заарланишлар миқдорини англаб етади.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

О‘рта Осиёнинг мутафаккири ва қомусий олим Абу Наср Фаробий (873-950 йй,) ягона борлиқ олти босқичдан иборат бўлиб, улар айни бир вақтда барча мавжуд

нарсаларнинг ибтидоси сифатида бир-бирлари билан сабабий боғланишдадирлар. Биринчи босқич – биринчи сабаб (Худо); иккинчиси – самовий жисмлар борлиги; учинчиси – фаол ақл, тўртинчиси – рух; бешинчиси – шакл; олтинчиси – модда. Шундай қилиб, худо ва модда, ягона бир бутунни ташкил этиб, бир қатор босқичлар орқали бир-бирлари билан сабабий боғланишдадирлар. Ўзларининг сабабий боғланишлари туфайли ушбу ибтидолар икки кўринишга ажратиладилар: «вожибул вужуд» - шундай нарсаки, мавжудлиги ўзидан келиб чиқади; «мумкинул вужуд» - шундай нарсаки, унинг мавжудлиги бошқа нарсадан келиб чиқади. «Мумкинул вужуд» ўзининг бор бўлиши учун сабабга эҳтиёж сезади, ва қачонки у пайдо бўлса, бошқа нарса туфайли, «вожибул вужуд» га айланади. Форобийнинг ибтидолар ҳақидаги таълимоти шундан гувоҳлик берадики, унга янги афлотунчиликнинг эманатсия назарияси таъсир ўтказган бўлиб, у илк ислом эътиқодидагиларнинг нуқтаи назарларидан моҳияттан фарқ қиласди.

Форобий фикрича, фан ва умуман барча билимлар субъектив хоҳиш ва истакдан эмас, балки уларга нисбатан тобора ошиб борадиган инсон эҳтиёжлари натижасида келиб чиқадилар. Форобийнинг фанлар таснифи Шарқда ҳам, Европада ҳам, келгусидаги фанлар таснифига кучли таъсир ўтказиб, улар тараққиётида катта ўрин тутди.

Форобий айтган «вожибул вужуд» –эҳтиёж асосида ишлаб чиқариш зарурат, ишлаб чиқариш мавжуд – бунда чиқинди ҳосил бўлади. Айнан унга нисбатан атроф-муҳитни эҳтиёт қилиш, яъни табиатни асрар масаласига эътибор бериш жоиз бўлади. Чиқиндиларни заарсизлантириш, табиатни ифлослашига қарши курашиш одамлар орасида экологик билимни ривожлантиришни, яъни «мумкинул вужуд» келиб чиқади. Айнан шу муаммолар кўтарилиганда, аҳоли ўртасида экологик онгни ривожлантириш йўллари танланишида унинг осон, оммабоп усуслари моҳиятини англаш муҳим ҳисобланади [1]. Бундан кўринадики, ҳар бир мавзуни ўқитишида тегишли педагогик технология методларидан фойдаланиш керак.

Маълумки, ҳозирги замон педагогикаси ўқитиши усусларини қулай ва тушунарли ҳамда содда, қолаверса, кўрсатмалик принципи асосида бўлишини тақозо этади. Ушбу педагогика ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, айниқса, ўқувчининг фаоллигини ошириш асосида ўқитиши йўлга қўйишни талаб этади. Бунинг таг замирида ўқитишининг дарс жараёни асосий ўринда туради. Чунки педагогик мулоқот ўқувчи тарбиясида муҳим омил бўла олади [2].

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш орқали табиатни асрар, ҳаво, сув ва тупроқнинг тоза бўлишига эришиш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишига эришиш қулай ҳисобланади. Бу ўринда айтиш мумкинки, ўқитиши тизимлари ва шаклларини танлаш орқали ўқитиши усусларини ҳам танлаш керак. Чунки, ўқитиши мактабгача таълим муассасаларида, мактабда, олий таълимда амалга оширилишини биламиз. Бироқ, атроф-муҳит муҳофазасини ўқитишида атроф-муҳитга ўзининг таъсирини кўрсатувчи кишилар асосан ҳалқ оммаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқитишининг турини танлашда айнан ана шу ҳалқ оммасини ҳам ўқитиши усулини топа билиш лозим.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Табиатни асрар, атроф-муҳит муҳофазасининг мақсади бўлишлигини инобатга олиб, экология фанидан “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” мавзусини ўқитишида таълим мазмунини қўйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Табиат, жамият ва ўз-ўзи ҳақидаги билимлар тизими.

2. Умумий интеллектуал ва амалий кўниммалар ва қобилиятлар тизими.
3. Ижодий, қидирив фаолиятидаги тажриба.
4. Нарса ёки воситаларга қадрият муносабати тажрибаси инсон фаолияти. Бунда дунёга муносабат нормалари, ўзлари, бошқа одамлар, шу жумладан хулқ-атворда нафақат билим, дунёқараш ғоялари, балки уларга бўлган ишонч ҳақиқат, инсонпарварлик муносабатлари намоён бўлади.

Бу кўрсатилган тизимда табиат тўғрисида, умумий интеллектуал ва амалий кўниммалар ҳамда қобилиятлар тизими талабаларни ижодий изланишларга етаклаши мумкин.

Олий таълимнинг талабалари учун атроф-муҳитни энг кўп ифлословчи омиллар – кимё ва энергетика (иссиқлик электр станциялари) саноати, транспорт воситалари ҳамда табиий ҳолдаги вулқонлар отилиши кабиларни тушунтириш мумкин. Бунда республикамизнинг кимё саноати асосан азотли, фосфорли ўғитлар олиниши билан, қолаверса, фосфоритдан экстракцион фосфат кислотлар олиш, уларни концентрлаш жараёнларида фтор азот оксида, фторли газлар чиқиши [3], энергетика соҳасида кўплаб иссиқлик электр станцияларида кул ва олтингугурт (IV) оксида, вулқонлар отилишидан турли хил заарали, заҳарли газ ва чанглар атмосфера ҳавосини ифлослашини айтиб ўтиш мумкин.

Эрамиздан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Конфуцийнинг - “Айтсанг унутаман, кўрсатсанг эслайман, ўзим бажарив кўрсам моҳиятига етаман” – деган фалсафий фикрлари асосида талабаларга кимё фанини ўқиганлиги учун кимёвий реакцияларни кўрсатиш орқали тушунтириб, кимё саноатига доир видеофильмлар кўрсатилиши билан атроф-муҳитни ифлосланиши тўғрисида тушунча ҳосил қилиниши мумкин.

Ҳозирги Ернинг глобал исишида Озон қатлами емирилишини сабаб қилиб кўрсатилишини ҳам бемалол Озон уч атомли кислород молекуласидан ташкил топганлиги, унинг фтор, хлор каби оксидловчилар таъсирида емирилишини изоҳли даражада тушунтириш мумкин [4].

Ўқитиш жараёнида ҳозирги кунда замонавий педагогик технология қўлланиши билан талаба онгига экологик билимни сингдириш самара беради. Агар ёшлигидан, яъни, мактабгача тарбия муассасидан бошлаб билим берилса[5], ҳаттоқи ўқитиш усувлари ҳам болага кўнишка бериши осонлашади, бунинг аҳамиятли томони шундаки, ушбу бола талаба бўлган даврида ҳам билимларни осон эгаллашига эришилади. Агар компьютер технологияси орқали анимацион программа асосида ўқитиш амалга ошириладиган бўлса, қисқа метражли ҳолатдаги, яъни тахминан 5-10 минутли видеофильм ёки анимацион материаллардан фойдаланиш қулай бўлади. Бунда талабалар билимини синаш имконияти ҳам яратилади.

Назарий ўтилган ҳар бир мавзуга доир амалий машғулотлар бевосита ўша мавзу маъруzasидан кейин ўтилиши билан талабада билим ривожланишига эришилиши мумкин.

Таълим технологиясида ўқитиш усулинин танлашда олий таълимдаги талабалар учун барча фанлар асосида экологик тушунчалар берилishi сабаблари тушунтирилади. Ҳозирги кундаги экологик муаммоларнинг глобаллашуви сабабларидан бири аҳоли ўртасида экологик онг яхши ривожланмаганлиги, шунинг учун ҳам олий таълимни тугаллаган бакалаврлар аҳоли ўртасида экологик тарғибот ва ташвиқотлар олиб

боришилари зарурлиги уқтириб ўтилади. Бу билан глобал экологик муаммолар олди олинишига эришиш имконияти яратилиши мумкин.

## МУҲОКАМА

Ўқитиш жараёнларида талабаларга ўтилган мавзулар асосида топшириқларни интернет сайтлари орқали берилиши мумкин. Интернетдан фойдаланган ҳолда масофавий таълим технологиялари фойдаланувчилар учун индивидуал малака ошириш курсларини ишлаб чиқишида ҳам, олий таълим учун ҳам қўлланилмоқда. Масофавий таълимнинг куйидаги асосий шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин: онлайн ва оффлайн. Интернет орқали таълим бир қатор мухим афзалликларга эга: биринчидан, мослашувчанлик - талабалар ўзларига мос вақт ва жойда таълим олишлари мумкин; талабалар масофа билан чекланмайди ва яшаш жойидан қатъий назар ўқишилари мумкин. Иккинчидан, якка тартибда ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга имконият яратилади ва бу билан талабаларнинг фикрлаш доираси кенгаяди, албатта.

Агар аудитория машғулотларида ўқитувчининг талабалар билан биргаликда, талабаларнинг фаоллигига амалга оширилишини эътиборга оладиган бўлсақ, бу Shtutgart университети профессори Hermann Haken томонидан илмий асосда яратилган синергетик таълим технологияси бўлиб, “биргаликда ҳаракат қилиш” орқали ўқитувчи раҳбарлигига талабаларнинг фаол иштирок этишини таъминлаган ҳолда мавзулар ўзлаштирилиши осон кечади [6].

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, экология фанини ўқитишида педагогик технологиянинг турли кўринишдаги ўқитиш усуллари орқали талабаларга билим бериш, албатта, ўқитувчидан билим, малака ва кўникма талаб этади. Юқорида кўрсатилган усуллар талабалар билим олишида энг қулай бўлиб ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Fozil odamlar shahri. Abu Nasr Forobiy Toshkent “A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi”-1993.
2. Sadiddinovich B. N., Axmadjanovich T. A. Role Of Mahalla's Participation In The Development Of Education //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 375-378.
3. Bakhridinov N. S. EFFECT OF EXTRACTION PHOSPHORIC ACID EVAPORATION HEAT ON POLYMERIZATION //INFORMATION TECHNOLOGY IN INDUSTRY. – 2021. – Т. 9. – №. 3. – С. 842-847.
4. Бахриддинов Н. С., Мамадалиев Ш. М., Джураева Д. У. Современный Метод Защиты Озонового Слоя //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 1-4.
5. Бахриддинов Н. С., Мамадалиев Ш. М., Ёқубжанова Ё. ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ДОШКОЛЬНОМ УЧРЕЖДЕНИИ //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 443-448.
6. Бахриддинов Н. С. ЖИДКИЕ КОМПЛЕКСНЫЕ УДОБРЕНИЯ НА ОСНОВЕ ЭКСТРАКЦИОННОЙ ФОСФОРНОЙ КИСЛОТЫ //Science Time. – 2017. – №. 5 (41). – С. 177-180.

7. Мелибаев М., Дедаходжаев А., Мамадалиев Ш. Общие и инерционные характеристики тракторных шины //ТРАДИЦИОННАЯ И ИННОВАЦИОННАЯ НАУКА: ИСТОРИЯ, СОВРЕМЕННОЕ. – 2020. – С. 51.
8. Тураев З. и др. Исследование взаимодействия сульфатов меди, цинка и кобальта с монокальцийфосфатом при 30 и 80° с //Universum: химия и биология. – 2020. – №. 1 (67). – С. 21-25.
9. Мамадалиев Ш.М. Профессиональное воспитание как категория производственного обучения//Достижения науки и образования –2017.–№.2 (15). – С. 43-45.
10. Мамадалиев Ш. М. Формирование культуры безопасности жизнедеятельности студентов в процессе профессиональной подготовки в вузе //Вопросы науки и образования. – 2018. – №. 17 (29). – С. 65-67.
11. Мамадалиев Ш. М., Рахманов Ш. В. Совершенствование системы обучения безопасности жизнедеятельности //Вопросы науки и образования. – 2019. – №. 17 (64). – С. 81-84.
12. Мамадалиев Ш. М., Уринова Д. Т. Инновационные подходы в организации урока" основ безопасности жизнедеятельности" //Достижения науки и образования. – 2018. – №. 6 (28). – С. 93-95.
13. Qirgizov X., Mamadaliyev S. M., Yigitaliyev J. INDICATORS SCIENTIFIK AND PRACTICAL RESEARCH OF WATER-SPRINKLER //Экономика и социум. – 2021. – №. 5-1. – С. 398-400.
14. MAMADALIYEV S. H. M. LIVING SAFETY TRAINING IN THE FAMILY //ЭКОНОМИКА. – С. 98-100.
15. Рахманов Ш. В., Тургунов А. А. Табиатни муҳофаза қилиш-ҳар бир фуқоронинг бурчидир //International Journal of Discourse on Innovation, Integration And Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 97-98.
16. Пулатов А. С., Тургунов А. А., Эргашев И. И. ОПТИМИЗАЦИЯ ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ МЯСНЫХ КОНСЕРВОВ НА ОСНОВЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РАСТИТЕЛЬНЫХ КОМПОНЕНТОВ, ПРОИЗВЕДЕННЫХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Пищевые и биотехнологии. – 2021. – Т. 9. – №. 2. – С. 93-98.
17. Мамадалиев А. Т., Мамаджонов З. Н., Арисланов А. С. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА УРУҒЛИК ЧИГИТЛАРНИ АЗОТ ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР БИЛАН ҚОБИҚЛАШ.
18. Tuxtamirzayevich M. A. Study of pubescent seeds moving in a stream of water and mineral fertilizers//International Journal on Integrated Education –2020.–T.3.–№.12. – С. 489-493.
19. Tuxtamirzaevich M. A. Presowing Treatment of Pubescent Cotton Seeds with a Protective and Nutritious Shell, Consisting of Mineral Fertilizers in an Aqueous Solution and a Composition of Microelements //Design Engineering.–2021.–C.
20. Мамадалиев А. Т. Теоретическое обоснование параметров чашебразного дражирующего барабана //Universum: технические науки.–2021.– №.6-1 (87). – С. 75-78
21. Арисланов А. С. и др. ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УРУҒЛИК ЧИГИТЛАРНИ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ҚОБИҚЛАШ ВА ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ ФАОЛЛАШГАН СУВ БИЛАН ИВИТИБ ЭКИШ.

22. Гафуров К., Росабоев А., Мамадалиев А. Дражирование опущенных семян хлопчатника с минеральным удобрением //ФарПИ илмий-техник журнали.–Фарғона. – 2007. – №. 3. – С. 55-59.
23. Mamadaliev A. et al. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА УРУҒЛИК ЧИГИТЛАРНИ АЗОТ ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР БИЛАН ҚОБИҚЛАШ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D5. – С. 180-189.
24. Mamadaliev A. УРУҒЛИК ЧИГИТЛАРНИ МАКРО ВА МИКРОЎҒИТЛАР КОМПОЗИЦИЯЛАРИ БИЛАН ҚОБИҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ //Scienceweb academic papers collection. – 2002
25. Мамадалиев А. Т., Мамаджанов З. Н. Минерал ўғитлар ва микроэлементли композицияларни сувдаги эритмаси билан қобиқланган тукли чигитларни лаборатория-дала шароитида синаш натижалари //Экономика и социум. – 2022. – №. 2. – С. 93
26. Shamshidinov I. T., Mamadaliev A. T., Mamajanov Z. N. Optimization of the process of decomposition of aluminosilicate of clays with sulfuric acid //The First International Conference on Eurasian scientific development.–2014.–C.270-275.
27. Шамшидинов И. Т., Мамаджанов З. Н., Мамадалиев А. Т. Изучение коагулирующей способности сульфата алюминия полученного из ангренского каолина //НАУКА XXI ВЕКА: ТЕОРИЯ, ПРАКТИКА, ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2014. – С. 48-55.
28. Rosaboev A., Mamadaliyev A. Theoretical substantiation of parameters of the cup-shaped coating drums //International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. – 2019. – Т. 6. – №. 11. – С. 11779-11783.
29. Мамадалиев А. Т. Уруғлик чигитларни макро ва микроўғитлар билан қобиқловчи курилманинг ўлчамлари ва иш режимларини асослаш //МИРОВАЯ НАУКА 2022. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ. МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОММУНИКАЦИИ. – 2022. – С. 54-57
30. МамадалиевА.Т. Институт механизации и электрификации сельского хозяйства, г. Янгийул, Республика Узбекистан //Редакционная коллегия. – 2013. – С. 174.
31. Mamadaliev A. ТУКЛИ ЧИГИТЛАРНИ МИНЕРАЛ ҮЕИТЛАР БИЛАН^ ОБІЦЛОВЧИ^ УРИЛМАНИНГ КОНУССИМОН ЁЙГИЧИ ПАРАМЕТР-ЛАРИНИ АСОСЛАШ //Scienceweb academic papers collection-2014.